

Ishonch

2019 йил 23 май • пайшанба • № 64 (4193)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни электротехника саноатини ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Х аёт сифати ўсиши билан аҳоли орасида ва иқтисодиёт тармоқларида электротехника маҳсулотларига талаб тобора ошиб бормоқда. Жаҳон миқёсида бундай товарлар экспорти ҳажми 2 триллион 500 миллиард доллардан ошиб, йилга 10 фоиз ўсиш кузатилмоқда.

Бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга. Ички бозор, муассаса ва хонадонлар юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланган. Ўтган йили, масалан, тармоқ корхоналарида 2 мингдан ортиқ турдаги 9 триллион 600 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, соҳага кенг шaroитлар яратилганига қарамай, катта миқдорда электротехника буюмлари импорт қилинапти. Минтақа бозорида эса мамлакатимизнинг экспорт улуши етарли эмас.

Йиғилишда экспорт-импорт конъюнктурасини ўрганиш асосида электротехника саноатини ривожланти-

риш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига 2022 йилгача ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш ҳисобига импортни оптималлаштириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бунинг учун ҳомашени чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирда мисдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг 50 фоизидан кўпроғи оддий симдан иборат. Шуни чуқур қайта ишлаб, мис трубкалар, интернет ва алоқа кабеллари тайёрланса, жаҳон бозорида қимматроқ сотилади. Маиший техника, қурилиш, саноат ва медицина учун зарур асбоб-ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш борасида ҳам салоҳият етарли экани қайд этилди.

Маҳсулотлар экспортида транспорт харажатларини камайтириш зарурлиги таъкидланди.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар қўламини кенгайтириш, уларнинг таннархини камайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган кўпгина эҳтиёт қисмлар импорт қилинаётгани, бу таннархнинг қимматлашишига олиб келаётгани кўрсатиб ўтилди. Музлаткич ва иситиш ускуналари, компьютер техникаси, мобиль алоқа воситалари, қуёш панеллари ва бошқа юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали юртимиз корхоналарининг ички бозордаги ўрнини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига янги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Юртимиз маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда барқарор талабни шакллантириш, давлат харидлари ва саноат кооперациясидан кенг фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, қурилиш, энер-

гетика, ахборот ва коммуникация технологиялари, автомобилсозлик каби тармоқларда ички кооперацияни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий бозорларга кириб бориш учун ташқи ҳамкорликни ҳам ривожлантириш муҳим. Шу боис жаҳонга машҳур брендлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулотларни халқаро стандартлар асосида сертификатлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Ишлаб чиқарувчиларга яратилган шароитлар таҳлил қилинар экан, бу борада эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутуши қайд этилди. «Навоий» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналарида янги лойиҳаларни жойлаштириш, «Термиз» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш бўйича тақлифлар билдирилди. Тармоқни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида замонавий инфратузилмага эга электротехника технопарклари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Индонезия Республикаси Президенти Жого Видодони ушбу лавозимга қайта сайлангани билан табриклади.

president.uz

Президентимиз «Яйловлар тўғрисида»ги қонунни имзолади.

xs.uz

Давлатимиз раҳбари «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга имзо чекди.

xs.uz

«Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

kun.uz

«Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

kun.uz

2019 йилнинг 22 май куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

mfa.uz

Женевада бўлиб ўтаётган Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг (ЖССА) 72-сессияси доирасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шодмонов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақаси бўйича вице-президенти этиб сайланди.

kun.uz

Илҳом Норқулов Ўзбекистон Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

kun.uz

Тимур Ишметов молия вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

kun.uz

Республика ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш бўйича қарорга имзо чекди.

kun.uz

тиш қоидалари: брон қилиш, ташир буюрувчиларни расмийлаштириш, никоҳ муносабатларидан қатъи назар жой бериш, бепул хизматлар доираси ва бошқаларни белгиловчи намунавий низом қабул қилинди.

norma.uz

Сарвар Отамуродов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши раиси лавозимини тарк этиб, эндиликда «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти раҳбари лавозимида иш бошлаган.

kun.uz

Алишер Қодиров «Миллий тикланиш» партиясига раҳбар этиб сайланди.

kun.uz

Ақромжон Қўчқоров Тошкент вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимига иш бошлади.

kun.uz

Фарҳод Абдуллаев Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

kun.uz

«ASYAD» (Уммон) компаниясининг Европа ва МДХ давлатлари бўйича савдо директори Игорь Ергов, «Alawkiya Trading» (Уммон) компанияси директори Халифа Салим Аль-Амри, «EASA Freight Forwarding» (Греция) компаниясининг транспорт масалалари бўйича бош бошқарувчиси Юлия Шабанова ва «EGRONAS Trading» (Эстония) компанияси бошқарувчиси Роман Шабановлардан иборат меҳмонлар Наманган вилоятида бўлди.

kun.uz

Самарқандда Имом Ал-Бухорий мажмуаси ҳудудида Индонезиянинг «Sahid Group» компанияси ва SAG компанияси ҳамкорлигида «Sahid Imam Al-Buhari» меҳмонхонаси қурилишига киришилди.

kun.uz

Адлия вазирлиги жорий йилнинг 1 июнидан нотариуслар фаолиятида «СМС хабар» электрон тизими жорий этмоқда.

kun.uz

Дастур ва ижро

ҳам бекорчи эмас. Улар орасида ёлланма меҳнат билан шуғулланаётганлар, савдо-сотиқ қилаётганлар, турли хизматлар кўрсатаётганлар қанча. Дастурнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, ҳар қандай фаолиятга қонуний тус беришдир.

КАСАБА УЮШМАСИ НЕГА АРАЛАШДИ?

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтиришга, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи «Хар бир оила — тадбиркор» дастури амалга ўлиқ татбиқ этилса, бугун бизни қийнаб келаётган қатор муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

2>



Андижон вилояти

Икки йил аввал янги ташкил этилган Мактабгача таълим вазирлиги дастлабки ишни мамлакатдаги барча бочкаларни ёппасига инвентаризация қилишдан бошлаганди. Мақсад — муассасаларда нима бор-у нима йўқ — ҳақиқий аҳволни аниқлаш эди.

Президент ташрифидан сўнг

Дунё эшиклари шу ерда очилади

Андижон вилоятида ҳам ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳ бир ҳафта давомида туманлардаги 50 дан зиёд мактабгача таълим муассасаларига кириб, шарт-шароитларни ўрганди. Иш жараёни билан қизиқди, тарбиячилар, болажонлар билан суҳбатлашди.


Аниқ бўлдики, муассасаларнинг қарийб ярми таъмирга муҳтож, зарур жиҳозлар, ҳатто, стуллар етишмайди. Уйинчоқлар ҳақида-ку гапирмасе ҳам бўлади. Қишлоқларда бочка ёшидаги барча болаларни қамраб олиш имконияти йўқлиги, энг муҳими, кичкинтойларнинг руҳиятини тушуна оладиган, малакали, замонавий кадрларга эҳтиёж катта эканлиги аққол сезилди.

Айтиш мумкинки, бугунга келиб вазият тамомилан ўзгарди. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишга кенг йўл очилгач, мазкур йўналишни ривожлантиришга бел боғлаган тадбиркорлар бирин-кетин майдонга чиқа бошлади. Албатта, бу ҳол давлат ва нодавлат муассасалар ўртасида ўзаро рақобат босқичини ҳам бошлаб берди.

Эътибор беринг, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганга қадар Андижон вилоятида бор-йўғи 3 та нодавлат муассаса фаолият кўрсатаётган эди. Айни кунга келиб, улар сонини 120 тадан ошди. Яқин келажақда мазкур турдаги таълим даргоҳлари сафини 200 тага етказиш режалаштирилган.

Андижон шаҳридаги «Бегойим савдо люкс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Болажон баҳори» нодавлат муассасаси очилганига яқинда бир йил бўлади. Тадбиркорга бўш турган бинолардан бири «ноль» харид қийматида берилгач, таъмирлаш ва моддий-техника базани яратиш учун 2 миллиард 260 миллион сўм инвестиция киритилди. Бугун 100 дан зиёд ўғил-қизга таълим-тарбия бераётган 20 нафар педагогнинг 8 нафари олий маълумотли. Ҳар бир мутахассис соҳаси бўйича муайян билим ва малакага эга, ила-нишдан чарчашмайди.

2>



Самарқанд вилояти

АДИР ОШОЛМАЁТГАН ИННОВАЦИЯ

ёхуд таълим тизимидаги ислохотлар Нурободга қачон етиб келади?

ДАЛИЛ: Бугунги кунда Нуробод туманида турли фанлар кесимида 210 нафар ўқитувчи ўрни бўли. Шу сабаб инглиз тили, кимё, биология, физика, география, миллий ғоя, рус тили сингари фанларни ўқитишда муаммога дуч келинаётмир.

МАЪЛУМОТ: Айни вақтда олийгоҳда ўқиётган талабалар орасида Нуробод тумани ёшлари вилоят бўйича энг озчиликни ташкил этади.

САВОЛ: Сабаблар нимада?

Тахририятнинг «Мактабда бир кун» лойиҳаси асосида ана шу саволларга жавоб излашга киришдик.

«КАДР ИЗЛАБ САРСОНМИЗ»

Дастлаб сўраб манзилимиз Нуробод тумани халқ таълими бўлими бўлди. Аммо бўлим мудири йўқ экан. Мутахассисларга юзландик.

— 2229 нафар педагог ходимнинг 1547 нафари олий маълумотли мутахассис саналишади, — дейди туман халқ таълими бўлимининг ўзини ошкор қилишни хоҳламаган му-

лозими. — Тўғри, мутахассисларга эҳтиёж катта. Аммо биз ҳам қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Изланаямиз. Ҳатто, Навоий, Бухоро вилоятларидан кадрлар таклиф қилдик. Бунга жавобан бир нафар мутахассис Бухородан келиб ишламоқда. Оиласига шароит яратиб берганимиз. Навоийдан ҳам битта мутахассис олиб келган эдик, кетиб қолди.

3>



Бу ҳақда эшитдингизми?

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига қуйидаги миқдорлар белгиланди:

► Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори


— 577 170 сўм;

► Базавий ҳисоблаш

— 202 730 сўм;

► Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори

— 202 730 сўм.



Хоразм вилояти

Ҳисобот эмас, самара керак

ана шунда ҳар бир оила тадбиркор бўлади

Бундан салкам бир йил олдин, аниқроғи, 2018 йил 7 июнда Президент қарори билан «Хар бир оила — тадбиркор» дастури қабул қилинган эди. Жорий йил 7 мартда давлатимиз раҳбари бу борадаги яна бир муҳим ҳужжат — «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш.

Дастур ишга яроқли ҳар бир инсоннинг бандлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шуниси ҳам борки, «Мен ишсизман», «ишламоқчиман, иш йўқ» дегувчиларнинг бари

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



Дунё эшиклари шу ерда очилади

«1 Болаларга ўзбек, инглиз ва рус тилларини пухта ўргатиш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Ўғил-қизларнинг билим даражаси, саломамлиги, унинг-ўсиши, иқтидори, ўзлаштириш қobiliяти, тўғри ва тўйимли овқатланишига жиддий эътибор қаратилади. Муассаса ҳовлисида лимонарий барпо этилган, сабзавотлар етиштириляпти. «Жонли бурчак»да боқиладиган жониворлар болаларда табиятга, ҳайвонот дунёсига ўзгача меҳр уйғотишга хизмат қилаётир.

– Таълим-тарбия жараёнида шарқ халқлари анъаналари билан бир қаторда Корея тажрибасидан фойдаланиляпти, – дейди услубчи Сабина Қўчқорова. – Рақс, бадий гимнастика, рассомлик, муай-тай тўғрақлари ишляпти. Муассаса қошидаги кўғирчоқ театри фарзандларимизнинг нутқини, фикрлаш доирасини ривожлантирмоқда.

Имкониятдан руҳланган тадбиркорлардан бири Мансурбек Мамаюсупов ҳам яқинда 6,5 миллиард сўм маблағ эвазига Шаҳрихон туманининг «Бувайда» маҳалласида 300 ўринли нодавлат таълим муассасасини барпо этдики, эртангамо кошона қишлоқ болалари учун унутилмас тўхфа бўлди.

– Худудимиздаги катта муаммолардан бири олти ёшгача бўлган ўғил-қизлар таълим ва тарбияга қамраб олинмаётганлиги билан боғлиқ эди, – дейди тадбиркор. – Бунга баҳоли қудрат ҳисса қўша олганимиздан мамнунмиз. Биринчи босқичда зарур шароитлар яратилди, энди таълим-тарбия сифатини оширишга барча эътиборни қаратяпмиз.

Бўз туманида узоқ йиллардан



бери фаолият кўрсатиб келаётган 7-, 21-, 25-мактабгача таълим

муассасаларида инвестиция дастури асосида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилганидан сўнг кўримсиз бинолар мухташам иншоотларга айланди. Яқинда фойдаланишга топширилган муассасаларда қишлоқ болаларининг ўйнаб-кулиб, соғ-саломаат камолга етишлари учун барча қўлайликлар муҳайе этилдики, ўзгаришлар босқичи шиддат билан бораётганлигидан барча мамнун. Худудда нодавлат ва

оилавий боғчаларнинг ҳиссаси билан қамров 17 фоиздан 54 фоизга етганлиги Президентимиз кутаётган натижалардан далолат беради. Жорий йил якунига қадар туманда инвестиция ҳамда «Обод қишлоқ» дастури доирасида яна 7 та муассаса ана шундай замонавий кўринишга келтирилади.

Давлатимиз раҳбари шу йил 16-17 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида ушбу соҳа билан боғлиқ аввалги йиллардаги топшириқлари ижросига баҳо бера экан, мактабгача таълим тизимида Андижон тажрибаси яратилади, дея барчани беҳад руҳлантирди. Демак, келажак мактабгача таълим муассасаларидан бошланаяпти. Эртанги кун эгаларининг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши шу пойдеворнинг қанчалик мустаҳкам қўйилишига боғлиқ.




Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch»

Хикмат

Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қobiliятли, яхши билан ёмонни, фойда билан зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қobiliятни камолга етказиш тарбия билан бўлу

Абдулла АВЛОНИЙ



Жиззах
вилояти

Эътибор бор экан, умид яшнагай

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол тумани кенгаши жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида касаба уюшма бадали ҳисобидан 43 нафар, ижтимоий сўғурта ҳисобидан 10 нафар ишчи хизматчининг саломатликларини тиклаш учун сиҳаттоҳларга йўлланма олишига кўмаклашди.


Муҳаммад Қўшонов байналмилал жангчи, 12-умумтаълим мактабда қаҳриққача ёшларни тайёрлаш фанидан дарс беради. Касаба уюшма ташкилоти уни саломатлигини тиклаш учун «Чимён» сиҳаттоҳига бепул йўлланма билан таъминлади. 44-мактабнинг собиқ ўқитувчиси, ёлғиз қария Роза Гореева ҳолидан хабар олинди. 85 нафар кам таъминланган фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги кунда нафақада бўлган 8 нафар фуқарога саломатлигини тиклаш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

500 нафардан кўпроқ касаба уюшма аъзоларининг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхати уюштирилди.

– Ишчи-хизматчиларнинг меҳнати унумли бўлишида спортнинг ўрни катта, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол тумани кенгаши раиси, «Эхтиром» кўкрак нишони соҳиби Абдуҳаким Шакарбоев. – Шу муносабат билан таълим ходимлари ўртасида мини-футбол, волейбол, шахмат-шашка, стол теннис бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилмоқда. «Спорт – мустақкам оиламиз пойдевори» шиори остида ташкил этилган беллашув соҳа ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Унда 45 та оила қатнашди. 1-МТМ ходими Мафтуна Холбўтаева, 25-мактаб ўқитувчиси Сирож Абдуллаев оилалари мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этиш имконига эга бўлди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, кенгаш меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, жамоа шартномаларининг бажарилиши, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ



Самарқанд
вилояти

«Максам-Чирчиқ» АЖ раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида корхонанинг «Мадад» уюшмаси аъзолари бўлган 50 нафар фахрийнинг Самарқандга саёхати ташкил этилди.

Фахрийлар Самарқандда

Нуронийлар кўхна шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, бетактор тарихий обидаларини яна бир бор кўриш имкониятига эга бўлишди. Жумладан, Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Тиллакорни, Шердор мадрасалари, Ғўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним мақбаралари

ҳамда замонавий иншоотлар саёхатчиларда катта таассурот қолдирди.

Шавкат ТОИРОВ,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Саёҳат

Ҳисобот эмас, самара керак ана шунда ҳар бир оила тадбиркор бўлади

эмас. Тўғри, банк вакиллари хонадонларда бўлиб, «Кредит олишни истайсизми?» қабилида сўровнома ўтказган. Аммо бу таклифлар рад этилган. Сабаби, кўпчилик кредитни нима мақсадда олишни, маблағни нимага ишлатишни билмайдди, уни қайтаролмаслиқдан қўрқади... Эҳтиёжманд сифатида рўйхатда турадиганларда эса «Кредит олсам, моддий ёрдамдан қуруқ қоламан» деган ўй бор...

Бирлашма ходимлари мутахассисларни, омадли тадбиркорларни жалб қилиб, аҳоли ўртасида бизнеснинг олтин қоидалари ҳақида мулоқотлар ташкил қилди. Давлат дастурининг аҳамияти, тадбиркорлик афзалликлари тарғиботини бошлади. Айрим хонадонларга, керак бўлса, бир неча марта ташриф буюришга тўғри келди. Кам фоизи кредитлар, «кафил» можароси ҳал қилинган, оилаларнинг иқтисодий фаровонлигини оширишдаги аҳамияти ва бошқа афзалликлар ҳақида маълумотлар берилди. Тикувчилик билан шуғулланиш истагидаги қизлар бирлашма қошидаги «Касаба текс» корхонасида бепул ўқитилиши маълум қилинди.

Кредит олиши истагини билдирганлар рўйхати шакллантирилиб, тижорат банкига жараённинг навбатдаги босқичини давом эттириш учун тақдим этилди. Ёлланма ишга жалб қилинганлар, томорқасида банд бўлганларга фаолиятга қўнуний тус беришнинг афзалликлари тушунтирилди.

ЕЧИМ ЁНИМИЗДА, АММО...

Касаба уюшмалари томонидан олиб борилган тарғибот ишлари тезда ўз самарасини бера бошлади. Дастлаб ҳудудда нон ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Аслида, «Иззатжон Назаров» оилавий корхонаси ўтган йили ташкил қилинган, «Ҳар бир оила тадбиркор» дастури асосида оиланинг икки аъзоси имтиёзли кредит ҳам олганди. Бироқ корхона учун жой топишда, зарур технологияларни олишда муаммоларга дуч келди. Ваҳоланки, маҳалла қўмитаси жойлашган бионининг шундоқ ёнбошида бир неча хона неча йиллардан бери фойдаланилмасдан ётар, кўримсиз аҳволга келиб қолганди. Тадбиркор-

лар оиласига ушбу қаровсиз бино таклиф қилинди. Қисқа фурсатда таъмирлаш ишлари бажарилиб, зарур жиҳозлар ўрнатилди. Оила соҳиблари ижара пули қимматлигидан биров норози бўлсалар-да, фаолият бошлашганидан хурсанд. Иш юришиб кетса, ижара пулини ҳам қайтаришда қийналишмас, балки ўз биноларига эга бўлишар, кредитни қайтаришга маблағ тополмай ўтиришганидан яхши-ку.

Нон ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилиши натижасида оила аъзоларидан ташқари, маҳалладаги саккиз нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди, яна икки қиз шогирдликка жалб қилинди.

– Беғараз ёрдам учун касаба уюшмаларидан миннатдормиз, – дейди тадбиркор. – Ходимларимиз ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда ҳам ушбу ташкилот кўмагига таянамиз.

МОЛИ БОРНИНГ ҲОЛИ БОР

Энажон она Тўлиева пенсияда. Оёғини уза-тайб ўтирса ҳам бўлади. Аммо фарзандларининг тайинли иши йўқ. Ёлланма ишчининг топгани ёғвон шўрвадан ортмайди. Иш дегани ҳар кун топиллиб турса хўп-хўп, баъзида кунлаб бекор қолиб кетишади. Бу ёқда набиралар катта бўлишляпти.

Касаба уюшма вакиллари онахонга «Ҳар бир оила тадбиркор» дастурининг аҳамиятини тушунтиришганди, «Мен ҳам қорамол оламан» деган фикрга келди. Кредитни ҳам ўз номига тўғрилашга қарор қилди. Маҳалла қўмитаси кафил бўлди. Аммо... қорамолни қаердан олиш ҳақида тайинли маълумотга эга бўлмаган онахон яна касаба уюшма вакилларига юзланди. Аслида, туманда бир неча таъминотчи корхоналар рўйхати шакллантирилган, қорамол, қўй-қўзи, парранда олиш истагидагилар бемалол уларга мурожаат қилиши, нархини келишиши, ўзига ёққан жониворни танлаб олиши мумкин. Шунчаки, айрим ходимлар ўз вазибаларига совуққонлик билан ёндашиши оқибатида аҳолига тўлиқ маълумот берилмаяпти.

Онахонга «Гурлан агро комплекс» таъминотчи корхонаси тавсия қилинди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ўтган йилнинг 14 ноябрь куни Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси лаборатория бўлими ходими Ёқутхон Деҳқонова бирлашма фаолиятидаги айрим ҳолатлардан норози бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат йўллади.

Қимматга тушган таъқиб

Ушбу мурожаат асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи гуруҳи Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси фаолиятини ўрганиб чиқди. Ўрганишда шикоятда келтирилган вазирларнинг айримлари ўз тасдиғини топди. Жумладан, 2018 йилнинг 7 август куни лаборант ўрнига лаборант Р.Иброҳимова ишлаганига қарамасдан лаборант М.Нуриддиновага табел ёзилгани, 2017 йилнинг 15 октябры куни лаборант Д.Тўлқинов ўз иш ўрнида бўлмагани, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи талабларини бузган бир қанча тиббиёт ходимлари ичидан фақат Ёқутхон Деҳқоновага нисбатан интизомий чора кўрилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, Ёқутхон Деҳқонова 2018 йилнинг 12 сентябры куни навбатдаги меҳнат тазтилига чиқиш тўғрисида ариза ёзган бўлса-да, бироқ унга меҳнат тазтили бериш ҳақидаги буйруқ 19 сентябры куни чиқарилгани ҳам ўз тасдиғини топди. Ишчи гуруҳ аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига тааллуқли ҳужжатларни қўнуний чора кўриш учун Фарғона вилояти прокуратураси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдим этган. Бир қарашда ҳаммаси жойига тушган эди. Аммо...

Мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияда ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани, улар қонунда белгиланган тартиб ҳамда муддатларда кўриб чиқишли шартлиги белгиланган бўлиши. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун билан ҳам тартибга солинади. Бундан ташқари, Жиноят кодексига ҳам жисмоний шахсни давлат органи, давлат муассасаси ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига мурожаат қилгани муноса-

бати билан ёҳуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид, шунингдек, бошқача шаклда танқид қилгани учун таъқиб этиш тақиқланган.

Афсуски, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси маъмурияти мазкур қонун талабларига зид равишда Ёқутхон Деҳқонованинг «танобини тортиб қўйиш»га қарор қилди. Аниқроғи, унинг Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўллаган шикоятини «бошқа идораларга асоссиз равишда мурожаат қилиш» сифатида баҳолаб, у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилди.

Конституциявий ҳуқуқи бузилган Ёқутхон Деҳқонова Касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат этди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари ушбу мурожаатни ўрганиб чиқишганда, Ёқутхон Деҳқонова асоссиз ишдан бўшатилгани аён бўлди. Шу сабабли қонуний буйруқни бекор қилиш тўғрисида Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилди. Лекин тақдимнома талаблари қаноатлантирилмади. Шундан сўнг Кенгаш фуқаролик ишлари бўйича Фарғона шаҳар судига Ёқутхон Деҳқоновани ишга қайта тиклаш ва мажбурий проғул учун унга иш ҳақи ундириш ҳақида даъво аризаси берилди. Яқинда суд ушбу даъво аризани қаноатлантирди. Ёқутхон Деҳқонова ўз ишига тикланди ва унга 15887031 сўм иш ҳақи ундириладиган бўлди. Унинг муайян қисмини бирлашма раҳбарининг ҳисобидан ундириш белгиланди.

Шу тариха қонунчи таъқибга чек қўйилди. Қонун талабларига амал қилмаслиқнинг жазоси ҳамиша оғир бўлишини бирлашма масъуллари энди англаб етган бўлса, ажаб эмас...

Фарҳод ХАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси



Мухаббат ТЎРАБОВА,
«Ishonch»

41

– Балки пенсионерларни мактабга қайтариш керакдир?

– Имконияти, қуввати бор пенсионерлар ҳали ишлапти, – дейди у. – Ҳеч ким эътиборимиздан четда қолгани йўқ.

Бизни хайратга солган маълумот шуки, бир неча йилдирки бир қатор фанлар етарлича ўқитилмаганлиги боис бу соҳадан мутлақо мутахассис етишиб чиқмаган. Бу асорат бугунги кунда ҳам ўз кучини кўрсатаётир.

Айтсак, балки ишонмасиз, туманда бугун 5 та мактабда директор лавозими бўш. Иккита мактабга эса беш йилдан буён директор бўладиган номзодни излаб топиш амри маҳол бўлаётир.

ҲОЗИР ҚАЙСИ ДАРС?

Мактабларда ҳақиқий аҳвол қандай? Дарс жараёнларида ўзгаришлар, янгиликлар билан танишиш учун тумандаги «Шарқ юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 77-умумтаълим мактабда бўлди.

Мактаб раҳбари ўрни бўш турганлиги боис директор ўринбосари Обруй Расулов бу вази-

– **Мактаб биноси қуриб битказилган бўлса-да, бироқ уни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга ҳеч ким қизиққани йўқ, – дейди Обруй Расулов. – Алмисокдан қолган эски мактабимизда амал-тақал қиялпмиз. Синф хоналари пол эмас, бетон, захкаш. Электр токи бўлмаса, йўлак зимистонга айланади. Бир амаллаб, қишни ўтказдик.**

Мактабда замонавий таълим технологияси ҳақида ҳали тасаввурлар ҳам шаклланиб улгурмаган. Оддийгина компьютер ҳам йўқ. Демак, интернет ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу аснода мактаб ҳовлисини тўзғитиб, шаталоқ отаётган болаларни тўхтатиб саволга тутамиз. Улар 4-«Б»синф ўқувчилари. Ҳозирги дарс жисмоний тарбия экан. Аммо ўқитувчи кўринмайди.

Атрофдагилардан бири жисмоний тарбия ўқитувчисини излаб топиб келди.

– Мен бу синфга иккинчи соатда она тили




фани вақтинча бажариб турган экан. Бу ерда фаолият олиб бораётган 32 нафар ўқитувчининг 14 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Ўтган йилда 300 ўқув ўрнига мўлжалланган икки қаватли замонавий мактаб биноси қуриб битказилган. Аммо янги иншоот, мана бир йилдирки, ҳувиллаб турибди. Кўрмоқ бор-у, фойдаланмоқ йўқ.

– Мактаб биноси қуриб битказилган бўлса, бироқ уни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга ҳеч ким қизиққани йўқ, – дейди Обруй Расулов. – Алмисокдан қолган эски мактабимизда амал-тақал қиялпмиз. Синф хоналари пол эмас, бетон, захкаш. Электр токи бўлмаса, йўлак зимистонга айланади. Бир амаллаб, қишни ўтказдик.

Мактабда замонавий таълим технологияси ҳақида ҳали тасаввурлар ҳам шаклланиб улгурмаган. Оддийгина компьютер ҳам йўқ. Демак, интернет ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу аснода мактаб ҳовлисини тўзғитиб, шаталоқ отаётган болаларни тўхтатиб саволга тутамиз. Улар 4-«Б»синф ўқувчилари. Ҳозирги дарс жисмоний тарбия экан. Аммо ўқитувчи кўринмайди.

– Спорт майдони йўқ экан, лоақал жисмоний тарбия ўқитувчиси бордир, – деган савол билан юзланамиз директор ўринбосарига.



фани ўрнига жисмоний тарбия ўтганман, дарс ўрнини алишганмиз, – дейди раҳбар ҳузурда пайдо бўлган жисмоний тарбия ўқитувчиси Суннат Суенов.

Энди дарсни ташлаб қочган она тили ўқитувчисини ахтаришга тушди. Ҳар тугул у ҳам пайдо бўлди. Ўз дарс соатини бир амаллаб жисмоний тарбияга тикиштирган она тили ўқитувчиси Наргиза Ҳасанованинг эринчоқлиги тутиб қолган, шекилли, ўз вазифасини бажармай қўя қолибди. Болалар бир икки ҳовли чангитса, 45 дақиқа ўтади-кетди. Келажак авлод тақдирига муносабат бу...

«ХЎЖА КЎРСИН»ГА ЎТИЛАЁТГАН САБОҚЛАР

«Халқобод» маҳалласидаги 4-умумтаълим мактабидамиз. Бу даргоҳ кўп мақталар экан. Боиси, бу ерда бир нафар олий тоифали, бир нафар биринчи тоифали, 10 нафар иккинчи тоифали ўқитувчи фаолият кўрсатади.

– Аммо инглиз тили ва кимё фанидан кадрга муҳтожмиз, – дейди мактаб директори Беғали Обриев. – Бу бўшлиқни ўриндошлик асосида тўлдиряпмиз. Қолганига мажбуран ўрта махсус маълумотли мутахассисларни жалб этаймиз.

Мактаб лабораторияси саналмиш гўшадаги шкафчада жиҳозлар «хўжа кўрсин»га тахлаб қўйилган. Шкаф тепасида чанг босган микроскопни олиб кўздан кечирамиз.

– Ишлайди, яқинда ариқ суви таркибини аниқладик, – дея изоҳ беради директор.

Худди шу хонада 7-синф ўқувчилари «Маънавият» фанидан сабоқ олмақда. Аммо ўқитувчи йўқ. Ўқувчилар ўзларига ўзлари «Одоб-ахлоқ-маънавият негизи» мавзусида дарс ўтишмоқда эмиш... Мактаб раҳбарининг изоҳ беришича, ўқитувчи (дарсни ташлаб) қандайдир муҳим тадбирга тайёрланаётган эмиш. Шу боис, бугунги дарс «такрорлаш».

Мактаб кутубхонасида 685 нусхада бадий адабиётлар жамланмаса мавжуд. Кутубхоначи Раъно Тўйлиева кутубхонага 200 нафар, аниқроғи, барча ўқувчилар аъзо эканлигини билдирди.

Китобхон ўқувчилар формулярларини кўздан кечирганимизда аксарият китобхон болалар бу ерга ўтган йилда ташриф буюрганлиги қайд этилган. Айниқса, юқори синф ўқувчилари ўта «фаол». 9-синфдан икки нафар, 10-синф ўқувчиларидан уч нафар ўқувчи китоб олиб ўқибди, холос.


ТЎГАРАК БОРЛИГИ ҲАҚИҚАТМИ?

«Нурбулоқ» маҳалласидаги 42-умумтаълим мактабидамиз. Таълим даргоҳи раҳбари Фахриддин Султонов билан соҳадаги ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

– Бизда биология ва физика фани ўқитувчилари етишмайди, – дейди у. – Мактабимиз компьютер билан таъминланмаган. Лаборатория йўқ. Аксига олиб, болалар ҳам дарсни таомлаб уйларига жўнаб кетишганди.

Мактаб кутубхонаси билан танишай десак, кутубхоначи Дўсмурод Норбеков шу куни ишга келмабди.

– Балки, тўғарақлар фаолияти билан тани-



шармиз, – таклиф киритамиз директорга.

– Ўндан ортиқ тўғарақ фаолияти йўлга қўйилган. Аммо бу билан ўринбосарим шуғулланади, – деди у.

Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Акмал Сулаймонов фан ва спорт тўғарақлари акс этган жадвал билан таништирди. Ҳар пайшанба мактаб ўқувчилари бир қатор фан, шахмат-шашка тўғарағида қатнашиши белгилаб қўйилган. У барча болалар машғулотлар билан машғуллигини билдирди. Улар ҳузурига бориш истиғимиз борлигини сезгач «ҳозир» деди-ю хонадан чиқиб кетди. Бир оздан сўнг келиб, бугун болалар негадир машғулотларга келишмаганлигини айтди. Биз ҳам бироз ўзарлик қилдик. Лоақал машғулот хонаси, шахмат-шашка доскаларини бир кўздан кечирсак бўлар. Директор дангалига кўчиб қўя қолди.

– Тўғарақ қатнашчилари ўзлари билан шахмат-шашка доскачаларини олиб келишади, – деди у. – Машғулотдан сўнг олиб кетишади.

Мана тўғарақлардаги ҳаққоний ҳолат. «Али десанг, бали дейди» қабилидаги жавоблар...

ХУЛОСА ЎРНИДА

Эътибор қилган бўлсангиз, ҳикоямиз мобайнида бир оғиз ҳам соҳага олиб қирилган инновацион технологиялар, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида тўхталмадик. Биз бунга атайлаб қилмадик. Балки, уни фаолиятда кўрмадик. Афтидан таълимдаги инновацияларнинг Нуробод адирларидан ошиб ўтишга қурби етмаётди чоғи.

Мактаб кутубхонасида 685 нусхада бадий адабиётлар жамланмаса мавжуд. Кутубхоначи Раъно Тўйлиева кутубхонага 200 нафар, аниқроғи, барча ўқувчилар аъзо эканлигини билдирди. Китобхон ўқувчилар формулярларини кўздан кечирганимизда аксарият китобхон болалар бу ерга ўтган йилда ташриф буюрганлиги қайд этилган. Айниқса, юқори синф ўқувчилари ўта «фаол». 9-синфдан икки нафар, 10-синф ўқувчиларидан уч нафар ўқувчи китоб олиб ўқибди, холос.

Афсус. Биз дарс жараёни кетаётганлиги боис мактаблардаги ҳолатга янада чуқуროқ кириб боришга истиҳола қилдик. Юқоридаги ҳолатлар йўл-йўлакай учраган нуқсонлар, холос.

Халқ таълими вазирлиги доимо таъкидлаб келаётган, кунда-кунора телевизорда намоиш этилаётган, эътироф этаётган ислохотлар самараси шуми?

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов бир матбуот анжуманида мактабларга ўқитувчилар, айниқса, эркак ўқитувчилар қайтаётгани хусусида тўлқинлиб сўзлаган эди. Афсуски, бу гапларнинг исботини биз Нурободда кўра олмадик...

Бугун биз баъзи мактаблардаги электрон журналлар ҳақида сўз юритяпмиз. Бугун биз баъзи мактаблардаги замонавий технологиялар, интернет, мультимедиа ҳақида сўз юритяпмиз. Аммо улар бу мактабларга қачон етиб боради?

Хуллас, Нурободга савол билан бориб савол билан қайтдик. Балки, унга жавобларни мутасаддилардан олармиз?



Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»

Мулоҳаза

Ғафур Ғулмнинг «Шум бола» асарини кўпчилик ўқимаган бўлса ҳам, киносини деярли барча кўрган. Асарда касаба етакчилари образи бор. Шундай! Агар рамзийлик берсангиз, албатта. Мана исботи – «Иннан кейин-чи?» деб саволлар бераверадиган бой – иш берувчи, ҳақини талаб қилувчи Қоровой – ишчи, «Етимнинг ҳақини ейиш гуноҳ» деб, «Шум бола»нинг ёнини олган қария – «касабақўм»...

Бунга тадқиқотчи эмас, балки шу жараёни кузатувчи сифатида айтмоқдамиз. Гап шунданки, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси билан Жиззах маъсус индустриал зонасига бу ерда фаолият кўрсатаётган бир қатор корхона ва ташкилотларда касаба уюшма кўмиталари ташкил этилганми, мавжуд бўлса, уларнинг фаолияти қандай йўлга қўйилган, деган саволларга ойдинлик киритиш мақсадида бордик. Аммо, афсуски, икки кунлик «юришмиздан» деярли ҳеч қандай натижа чиқмади.

ЖАВОБСИЗ МУРОЖААТ

230 нафар ишчи-ходим меҳнат қиладиган «Jizzax sanoat teks» масъулияти чекланган жамиятига борганимизда ҳар галгидек «раҳба-

риятдан ҳеч ким йўқ» деган жавобни олдик. Биз бу жавобдан қаноатланмай, маъмурият вакилларида кимнидир чақириб беришларини қатъий талаб қилдик. Шундан сўнг, ҳар тугул «Қутиб туринглар, бухгалтер чиқади» дейишди. Кутдик...

Дарвозадан чиққан киши ўзини корхона директори ўринбосари Шерзод Анорбоев, деб таништирди. Қисқарган суҳбат давомида ўринбосардан касаба уюшма кўмитаси ташкил этиш бўйича корхона раҳбари номига бир неча марта хат билан чиқилган, аммо мурожаатларга ҳеч

қандай жавоб берилмаганлиги айтилганда, ундан «Профсоюз нима қилиб беради, профсоюз ташкил этиш

«РАҲБАРСИЗ ҲАЛ ЭТОЛМАЙМАН»

«Jizzax – Toshtepa textile» МЧЖга эса илгари ҳам борилган. Ўшанда ҳам «раҳбариятдан ҳеч ким йўқ эди» дейилган жавоб олинган. Бу сафар ҳам «эски ҳаммом, эски тос» бўлиб чиқди. 900 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қиладиган корхона ходимлар бўлими бошлиғи Сирожиддин Дўстебековдан эса «Профсоюз ташкил этиш мажбурийми?» деган иддаосини эшитдик.

Аслида, корхонада касаба уюшма кўмитаси 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, касабақўмлик Мўмин Санақуллова юклатилган. Ўтган сафар касабақўм телефонда «Мен раҳбарлар

иштирокисиз сизлар билан суҳбатлашмайман» деб учрашувдан қочиб, «беркинган» эди. Бу сафар айтишларича, М.Санақуллов меҳнат таътилида экан...

МАЪМУРИЯТДАН ҲЕЧ КИМ ЙЎҚ...

Ойна ишлаб чиқаришга иختисослашган «Minyuan Silu Industry» МЧЖдамиз. 140 нафар ишчи меҳнат қи-

ладиган корхона ходимлар бўлими бошлиғи Гуласал Абубакировага ўзимизни таништириб, корхонада касаба уюшма кўмитаси ташкил этиш нега шу пайтгача пайсалга солинаётганлиги сабабларини сўраганимизда, у бу масала ечимига «вақт етишмаганлигини» айтиб, эрта-индин корхонада сменалар алмашиши вақтида ишчи-ходимлар билан йиғилиш ўтказиб суҳбатлашишга маъмурият томонидан рухсат берилишини маълум қилди.

Жиззах шаҳридаги «Jizzax Kente» ҳамда Шароф Рашидов туманидаги «Jizzax Industrial To'qima» корхоналарида яна боғий ҳолат кузатилди: раҳбариятдан ҳеч ким йўқ.

Шароф Рашидов туманида жойлашган «Odina Skarlet» МЧЖга ҳам бораверишдан армон қолмаган экан. Ўзининг фамилиясини айтишни истамеган корхона бош ҳисобчиси Бо-

тир ака билан қоровулхонада суҳбатлашдик. Ҳисобчининг «Профсоюз ташкил этиш мажбурий эмас, ташкил этишга корхона раҳбари қарши, илгари берган хатларинг ҳам етибди» деган гап-сўздан, муносабатдан шуни англаш мумкинки, 2013 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ва бугунги кунда 80 нафар киши хизмат қиладиган корхонада касаба уюшма кўмитаси

ташкил этилиши дарғумон.

Икки кун давомида 12 та корхонада бўлдик. Қўриб, кузатганимиз шу бўлдики, деярли ҳамма корхона ва ташкилотларда «масъуллардан ҳеч ким йўқ», айтиладиган гап ҳам битта: «мажбурий эмас-ку».

Ҳа, тўғри, амалдаги қонунчиликка асосан касаба уюшма кўмитаси ташкил этиш, унга аъзолик ихтиёрий. Аммо... аммо, лекин, бироқ, дейишга ҳам асослар етарли.

ИННАН КЕЙИН-ЧИ?..

Келинг, дўппини эмас, бўйинбоғни ечиб, танганинг иккинчи томони ҳақида бир фикрлашиб, мулоҳаза юритсак. Ташкилотлар аслида касаба уюшмаси тузилишидан нега «қочиниш»?

Чунки касаба уюшмаси бўлмаста:



Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch»

Ҳикмат

Кишини танг қолдирадиган гумроҳликлардан бири — инсон бахти унинг ҳеч нарса қилмаслигида, деб тушунилишидадир.

ТОЛСТОЙ

Таниқли журналист ва олим Ҳалим Саидовнинг «Ishonch» газетасида чоп этилган «Журналист — у ҳокимиятга ким?» сарлавҳали мақоласида ОАВнинг бугунги ҳолати таҳлил этилади.



ЖУРНАЛИСТЛАР ЖИПСЛИГИ дунёни бирлаштиради



Мақолада қайд этилганидек, афсуски, мансабдорларнинг танқидий-таҳлилий мақолаларга муносабати қониқарсиз аҳволда. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ижроси таъминлангани йўқ. Матбуот саҳифаларида танқидий материаллар орқали кўтарилаётган жиддий муаммолар, камчиликларга ҳар доим ҳам ўз вақтида муносабат билдирилмапти. Шу сабабли қонунчилигимизда ОАВда эълон қилинган танқидий материалларга нисбатан давлат ҳокимияти органлари мутасаддиларининг масъулияти, жавобгарлигини белгиланган талаб ва шартлар кўзда тутилса, айтиш мумкин.

Муаллиф ўз мақоласини «Нега хорижий оммавий ахборот воситаларида куннинг энг долзарб воқеаси ва муаммолари ваҳимали сарлавҳаларда берилди-ю бизнинг матбуотимизда ундай эмас?» деган гаплар билан бошлади. Бу фикрда жон бор, аммо бу мулоҳаза ижодий жараёнда эмас, кўпроқ техник ёндашувга тааллуқли. Аслида, бу борада босма нашрлардан талай мисоллар келтириш мумкин. Масалан, «Кто игнорирует прессу, или стук в закрытые двери» («Правда Востока», 8 февраль), «Мени жазони ўташ колониясига қайтаринг» («Маҳалла», 4 апрель), «Курувчининг қадди-ю қадри қачон баланд бўлади?» («Ишонч», 8 январь), «Эринг ўлса, уй бера-

миз!» («Жамият», 19 апрель), «Вазир шифокор «дард»ини кўтариб чиқди, беморлар дарди ҳақида ким қайғуради?» («Оила даврасида», 21 март), «Жаноби судья, нега адолат эшигини очмайсиз?» («Иқтисодий газета», 15 март) ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «ваҳимали сарлавҳалар» бўлгани яхши, сарлавҳалар остидаги мақолалар теран ва таъсирчан бўлса, янада яхши. Асосий гап — муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, теран, холис ва журналистик маҳорат билан таҳлил эта олишда! Муаммолар масалалар, «қайноқ» мавзулар эса журналист учун ҳар доим топилади.

Мақолада йиллар давомида шаклланган авторитар, либертариан, ижтимоий масъулият ва тоталитар назариялар таҳлилий жараёнда дунё оммавий ахборот воситалари аллақачон ижтимоий масъулият жараёнига қадам қўйгани, лекин бунгача салкам 300 йиллик йўлни босиб ўтгани алоҳида таъкидланади. Биз эса «йўлдан адашган» тоталитар назариядан бори-йўли 28 қадам узоқлашдик, холос. Лекин асосий гап бунда эмас. Гап шундаки, назария ҳақида босиб ўтилган йўл таҳлилий асосланади. Глобаллашув жараёнини кеңираётган бугунги дунё шиддати эса қўлиларга сиймайди. Замон шитоб билан илгарилар борапти. Манфаатлар кураши, бешафқат рақобат ҳар жабоҳада ўз руҳини намоян этмоқда. Шу маънода,

ижтимоий масъулият назарияси ҳам янгиланиб, юксак инсонпарварлик ва гуманизм ғоялари устуворлик касб этаётганини ҳам илғаш қийин эмас.

Жорий йил 24-30 март кунлари Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида «Дунёда тинчлик ва бунда журналистларнинг ўрни» мавзусида бутунжаҳон журналистлари конференцияси бўлиб ўтди. 50 та давлатдан вакиллар иштирок этган ушбу анжуман якулари бўйича «Хурият» газетасида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов-

нинг «Журналистлар эзгу ғоялар атрофида бирлаша, дунё бирлашади» мақоласи эълон қилинди.

Унда ёзилишича, мазкур анжуманда жаҳон журналистларининг дунёда тинчлик барқарор бўлишидаги миссияси нақадар улуғ экани қайта-қайта таъкидланган. Чунки дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида айтилган журналист сўзи мазкур воқеаларнинг омма томонидан қабул қилинишига катта таъсир кўрсатади.

— Биз журналистлар, — дейди Жанубий Корея журналистлар ассоциацияси президенти Жунг Кию Сунг, — тарих солномачиларимиз. Лекин ҳар қандай замонда журналист учун эзгу интилишлар ва инсонпарварлик ғояларига дахлдор мавзуларда қалам тебратиш шарафли юмуш саналади.

АҚШ профессионал журналистлари миллий жамияти президенти Жанет Марие Таркунининг фикрича, «Журналистлар дипломат эмас. Улар ўз мамлакатлари фойдаси учунгина хизмат қилишмайди. Қолаверса, улар сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар қизиқишлари ёки ўз шахсий манфаатлари қобитида қолиб кетмаслиги лозим. Улар учун асосий мезон — одамларнинг тинч-тотув ҳаёти. Айниқса, воқеалар ёмонлик тарафига ўта бошлаганда, келишувлар ҳеч қандай натижаларга олиб кел-

маганида ёки вазият чиғаллашган бир вазиятда журналист воқеалар ривожини ўз хулосаларига таянган ва пухта текширилган ҳолда ёриштириш лозим. Журналист фақатгина биринчи бўлиб хабарларни етказишгагина эмас, балки ўзи билдираётган хулосанинг қонунга қанчалик мос эканига ҳам эътибор қаратиши керак».

Демак, глобаллашув жараёнилари тобора кучайиб бораётган ҳозирги жараёнда оммавий ахборот воситалари, жумладан, журналистларнинг яқин ҳамкорлиги, касбий биродарлиги, холислиги янада муҳим аҳамият касб этмоқда, башарият олдидаги масъулияти тобора юксалиб бормоқда. Журналистлар қўли қўлга берса, журналистлар эзгу ғоялар атрофида бирлаша, дунё бирлашади.


Бугун миллий журналистикамиз, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, ҳеч шубҳасиз, мана шундай глобаллашув шароитида тамомила янгича жараёнларни ўз бошидан ўтказмоқда. Босма нашрларимиз ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгича қиёфа касб этмоқда, электрон оммавий ахборот воситалари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда, интернет нашрлари медиа маконда тошқин сел каби қўлоч отаяпти, блогерлар ўзларини кўрсатапти. Журналистларнинг янги замон тарбиясини олаётган беҳаловат авлоди майдонга кириб келяпти.

Бугун ижодий жараёнда қандай ижобий, салбий анъаналар, ғоялар пайдо бўлмоқда, уларнинг ижтимоий аҳамияти нималарда кўринмоқда, қандай жанрлар бугун етакчилик қилмоқда, қандай муаммолар юзгага келмоқда, уларнинг ечимлари нималардан иборат? Устоз муҳаррирлар маҳорат мактабларининг ибратли жиҳатлари, тил ва услуб борасидаги ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат ва улар еш журналистларнинг ижодий изланишларига нечоғли самарали таъсир кўрсатмоқда? Афсуски, бу жараёнларни миллий журналистикамиз тадқиқотчилари ҳали етарлича ўргангани йўқ. Ҳолбуки, ана шундай таҳлилларига ўзбек миллий журналистикасининг бугунги кундаги ўрни ва макенини белгиларди. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият ўртасидаги воситачилик фаолияти ижтимоий масъулият назариясига нечоғли мувофиқ эканини ҳам кўрсатиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳалим Саидовнинг мазкур мақоласи эътиборга молик бўлиб, муаллиф илгари сурган муаммоларни назариётчи ва амалиётчилар ҳар томонлама чуқур ўрганиши зарур.

Шоҳаҳқор САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси етакчи мутахассиси

Ички туризм



Касаба уюшма қўмитаси раисининг фаолияти «Бўзчи белбоққа ёлчимас» мақолани эсга туширади. Чунки у ҳам бир йилда ўттиз нафар ходимига йўлланма тарқатади-ю, ўзи сиҳаттоҳга боришга вақт тополмайди. Турли шахарларга саёҳат уюштириб, ўнлаб, юзлаб ходимларнинг қувончига сабаб бўлади-ю, ўзи эса...

Гоҳо ўйлаб қоласан, касабақўм етакчиларининг яхши дам олиши, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришига ким масъул? Уларни ҳам биров саёҳатга олиб бориб, зарур шарт-шароитларини яратиб берадими?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ходимлар, фахрийлар, эҳтиёжманд фуқаролар қаторида касаба уюшма фаолларининг тарихий шахарларимизга саёҳатлари уюштирилаётгани шу маънода аҳамиятли бўлди.

Не бахти, Қашқадарё вилоятининг бир гуруҳ касаба уюшма етакчилари сафида каминга ҳам Хоразм вилоятига саёҳат қилиш насиб этди. Йўл-йўлакай Бухорода Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини ҳам зиёрат қилдик.



Узоқ қўл-у саҳроларда соатлаб йўл юрганимиз боис, Урганчининг жамолини кўришга жуда интиқ бўлганимиз рост. Дарҳақиқат, кўришга арзийдиган шаҳар экан. Гўзал, озода. Тарихий ва замонавий бинолар уйғунлиги.

Урганчда Президентимиз ташаббуси остида маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан қад кўтарган Ниёзмўҳаммад Охунд мақбараси ва масжиди бизда катта таассурот қолдирди.

Султон Жалолиддин Мангуберди мажмуасига борар эканмиз, Косон тумани 24-сон болалар мусика ва санъат мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Рамзонбек Бекназаров

«Мендирман ўша» қўшиғини маромига етказиб қўлади. Бир автобус саёҳатчининг хаёли мард ва жасур Мангубердига кетди. Мажмуани зиёрат қилиб, Авесто майдони томон одимладик...

Саёҳатимизнинг иккинчи куни қадимий Хивадаги Ичан ва Дишан қалъани кездик. Очиқ осмон остидаги музей шахарни томоша қилиш учун, ростки, бир кун камлик қилар экан. Хива хонлиги саройи, масжидлари, мажлис-машварат ўтказадиган, аҳолини қабул қиладиган майдонлари, пул зарб қилиш хонаси, Хоразм халқининг миллий урф-одатларини ўзида мужассам эт-

ган либос ва тақинчоқлар, ёзда иссиқдан, қишда совуқдан ҳимоя қиладиган чўғирмалар бизни ҳайратга солди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси зиёратидан ўзгача руҳий қувват олди.

Ҳамроҳларимиз — ғузур ту-манидаги 4-ўрта мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Муродулло Пулатов, шахрисабзлик Акрам Исомов, Косон тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шоймурод Эргашев ўзаро суҳбатда ажойиб ва сермазмун саёҳат учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришди.


Албатта, тўртта касабақўм раиси йиғилиб қолса, жамоа шартномасидан, меҳнат муҳофазасидан гурун кетади. Раислар саёҳат давомида бир-бири билан яқиндан танишишди ҳам. Фикр алмашув, тажриба алмашув, орадан диллашув барчани бирлаштирди.

Шунинг учунми, саёҳатдан қайтар эканмиз, автобусда қизгин суҳбат давом этар, кайфиятлар кўтаринки эди...



Акмал АБДИЕВ,

«Ishonch»



МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзиллимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа андиядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ispetka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев
Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева

Саҳифачилик:

Х. Абдулжалилов

ЎЗА ақуни — 23:40

Тошхирлиди — 00:00

Газета офсет усулида, А2 форматда босилди. Ҳарми 2 босма табиқ. Буюртма Ғ — 517. 30112 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Акс-садо

Жиззах шаҳридаги китоб дўконига киргандим. Негадир, эътиборимни 19-20 ёшлардаги одмироқ кийинган бир йигит тортиди. У китобларни узоқ кўздан кечирди ва ниҳоят, бирини танлади. Сотувчидан унинг нарҳини сўради. Жавобни эшитгач, китоб жуда қимматлигидан пули етмаслигини айтиб, арзонроққа беришни илтимос қилди. Сотувчи бунга рози бўлмагач, тушкун кайфиятда чиқиб кетди.

Макулатурага айланаётган жавоҳирлар

Ёхуд ноёб асарларни чиқита чиқишдан қандай асраб қолиш мумкин?

Тахририятга бир йигит эшик қочиб кириб кетди. Ўста-қўл бўлмаган бўлса-да, яна на-рала, эътиборим бу йигитни саларинг гувоҳига айланиб угу-қийнаётган нимадир борлиги рибди... Унинг тақлифи бор. Чиқита-Танишдик. Хайрулла Асатов. Олмазор туманида яшайди. Китоб савдоси билан шуғулланади.

Бу соҳада фаолият бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, яна на-рала, эътиборим бу йигитни саларинг гувоҳига айланиб угу-қийнаётган нимадир борлиги рибди... Унинг тақлифи бор. Чиқита-Танишдик. Хайрулла Асатов. Олмазор туманида яшайди. Китоб савдоси билан шуғулланади.

ДАСТХАТЛИ ЖАВОҲИРЛАР

Ёхуд музейга эмас, макулатурага кетаётган китобларни қандай асраб қоламиз?

«Ishonch» газетасида чоп этилган «Макулатурага айланаётган жавоҳирлар» сарлавҳали мақолани ўқир эканман, шу ҳолат негадир, хаёлимда айлана бошлади.

Уша йигит сўраган китобнинг бир неча йил олдин нашр қилинган нусхалари кўпчилигининг қўлида бор. Бир танишимиз жой торлик қилиб қолгани учун ташлаб юбормоқчи бўлган китоблари орасида ҳам айнан шу китобни кўрган эдим. Кимгадир олтин, кимгадир тош...

Яқинда кўп қаватли уйда турадиган танишимизниқига бордик. Подъездда бир неча қонга бетартиб солинган, варақлари йиртилиб, сочилиб ётган китобларга кўзим тушиб, ачиниб кетдим. Эгаси қимлиги, уларни қаерга олиб бораётгани билан қизиқдим. Макулатурага топшириш учун тайёрлаб қўйилганини эшитиб, қотиб қолдим. Унчалик эски ҳам эмас, ичида янгилар-ю керакли ва ноёблар-лари ҳам бисёр экан. Айниқса, анчадан буён қидириб юрган асарларимни кўриб, тилло топагдек қувонганим ҳам рост. Эгаси бир пайтлар турмуш ўртоғи бу китобларни йиққанини, у вафот этгач, бу китобларни макулатурага топшириш учун тайёрлаб қўйганини айтди.

Бир нечасини сотиб олдим. Уларни варақлар эканман, кўпчилиги совғага берилган, энг ачинар-лиси, аксарияти муаллифлар томонидан ўз имзо-лари билан тухфа қилинганини кўриб, кўзларимга ёш келди.

Ўқувчилик йилларим аксарият тенгқурларим макулатурага китоб олиб келиб топширар эди. Бир дугонам ҳар гал даста-даста қилиб кўтариб келарди. Йўл-йўлакай пистачи хола бир-икки сиқим писта эвазига бир нечасини олиб ҳам қоларди. Бир куни уйига борганимда қаровсиз чанг босиб ётган китобларни кўриб жуда ачиндим. Бу ҳол яна қанчадан-қанча хонадонларда учрайди.

Мақолада муаллиф кўтарган ташаббус — одамлар қўлидаги ортиқча китобларни қабул қиладиган (макулатурага эмас) ва уларни маълум нуқталарда сота-диган ташкилот ташкил этиш зарур. Унда мутахассис-лар фаолият юритади. Нарҳлар ҳам унчалик қиммат бўлмайди, исталган китобни топиш осонлашади.

Одамлар уйидаги китобларни макулатура қа-бул қиладиган масканларга эмас, шундай жой-ларга элса, ўйлаймизки, қанчадан-қанча ноёб асарларни сақлаб қолган, уларнинг уволига қол-маган, китобхонлар сонини янада оширган бўлар эдик.

Нодира ХЎЖАМҚУЛОВА,

«Зомин тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюш-маси Мингбулоқ тумани кенгаши раиси Шухратжон Отахоновга падари бузруквори

СОЛИХОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Рес-публика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Учтепа тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Мавлуда ТОЛИПОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг ойла аъзо-лари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.